



# Ishonch

**Моҳият**  
 Спорт билан мусика  
 чамбарчас боғлиқдир.  
 Спорт танани пиштиради,  
 чиниктиради, иродани  
 мустаҳкамлайди, мусика  
 — кўнгилни поклайди,  
 руҳни тетиклаштиради.  
 Спорт — бу маданият  
 демакдир. Спортчи  
 мусикани яхши билса,  
 мусикачи спорт билан  
 шуғулланса, нақадар  
 яхши.  
 Ислам КАРИМОВ

О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Президент Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19-20 апрел кунлари расмий ташир билан Россия Федерациясида бўлади.**

Ташир асносида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2010 йил 16 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чорагидаги якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.**

## Янги кун янгиликлари

**Ўзбекистон давлат консерваториясида «Тошкент ниҳоллари» болалар ва ўсмирлар бадиий ижодиёти фестивалининг шахар ҳамда Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими қошидаги ўқувчилар ижодиёт маркази, «Камолот» ЁИХ томонидан «Камалак — 2010. Миллий анъаналар ва замонавийлик» кўргазмалари фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

### Ўзалликка ошно бўлиб

Ёшларнинг мусика ва миллий дизайн соҳасидаги қобилиятини кўридан ўтказган ҳар икки тадбирда намоиш этилган турли йўналишдаги ижод намуналари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Жумладан, доирачилар дастасидан Баҳодир Зокиров, рақс бўйича Евгения Газиева, амалий-тасвирий санъат бўйича Саодат Исмолова, зардушлик йўналиши бўйича Машхура Муродалиева ва бошқаларнинг истеъдоди юқори баҳоланди. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Комила БОЙМУРОВА,  
«Ishonch» мухбири**

**Олтинқул туманида «Андижончарм» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Бино ва технологик жиҳозларни ишга тушириш учун Миллий банкнинг вилоят бўлими 500 миллион сўм инвестиция киритди. Натижада биринчи босқичда 50 та янги иш ўрни вужудга келди.**

## Корхона иш бошлади

Инвестиция жараёнининг кейинги босқичида бўёқ ва бичув-тикув цехларининг ишга туширилиши режалаштирилган. Шундан сўнг ишчилар сони 200 нафарга етади.

Айни вақтда корхонада ойига 15-20 мингтагача терини ошлаш имконияти мавжуд. Ишлаб чиқариш тўла қувватга ўтган, бу кўрсаткич икки бараварга ошди. Лойиҳа бўйича тайёрланган маҳсулотнинг барчаси хорижга экспорт қилинади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,  
«Ishonch» мухбири**

**Бувайда тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан тумандаги «Соғлом авлод» жамғармаси қошида махсус «Баркамол авлод» ҳисоб рақами ташкил қилинди. Маъжур ҳисоб рақамни кўнгилли фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳомийлик маблағи ҳисобига тўлдириш кўзда тутилган.**

## Ибратли ташаббус

Тушган маблағ мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг соғлигини мустаҳкамлаш, дори-дармонлар харид қилиб, бепул тарқатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга йўналтирилади. Ҳозирда дастлабки хайрия маблағлари ҳисоб рақамга келиб туша бошлади.

Бу каби хайри ишлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Олтиариқ тумани, Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларида «Баркамол авлод» ҳисоб рақами ташкил қилинапти. Ҳисоб рақамдаги маблағлар эвазига вилоятдаги истеъдодли ёш ижодкорларнинг шеър, ҳикоя ва қиссаларини тўплам ҳолида нашр қилиш, ёш спортчи, санъаткор ва хунармандларни моддий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда.

**Улугбек ИБОДИНОВ,  
«Ishonch» мухбири**

**Мамлакатимизда ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Фанлар академияси қошида Ёш олимлар кенгашининг ташкил этилиши шу йўлдаги хайрли ишлардан биридир.**

## Ёш олимлар беллашуви

Маъжур кенгаш, шунингдек, Фанлар академияси касба уюшмалари кўмитаси ҳомийлиги ва ёш олимлар ташаббуси билан Наврўз тантаналари нишонланди. Ушбу тадбирга Фанлар академияси тураржойида истиқомат қилувчи ёш олимлар учун байрам дастурхони ёзилди, эл севган санъаткорлар таклиф этилди.

Тадбир доирасида ёш олимлар ўртасида турли танловлар ўтказилиб, голиблар тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз**

Мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий мувозанатлиликни, иқтисодийни юксалтиришнинг барқарор суратларини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, иқтисодий таркибий қайта ўзгариш ва диверсификациялаш дастурларининг, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури тадбирларининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирининг олдини олиш, балки макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суратлари ҳам таъминланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 20,1 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини янги ташқи бозорларга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ишлар экспорт ҳажмларининг 22,1 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмаси бўйича салмоқли ижобий салдога эришишни таъминлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Техник жиҳатдан модернизациялаш бўйича 29 та лойиҳани амалга ошириш тугаллан-

ди, 118 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Кун тартибдаги масалаларни муҳокама қилиш жараёнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини таъминлайдиган стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2010 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир 418 та лойиҳа бўйича объектларнинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ноозиқ-овкат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш масалалари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференциялари, тижорат банклар томонидан иқтисодийнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилmalarининг ўсиши туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, шу жумладан, ноозиқ-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Мажлисида муҳокама қилиш давомида «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раҳбарлари фаолиятига танқидий баҳо берилиб, улар зиммасига республика энгил саноатини янада ривожлантириш, шу жумладан, сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, экспорт асортиментини кенгайтириш, янги истикболли бозорларни излаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш энг муҳим ва асосий вазифалар жумласидадир. Шу муносабат билан мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши муфассал таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён республикада 215,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 150,1 мингтадан кўпроги ёки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Касаначиликни ва халқ хунармандчилигини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида қўшимча равишда 53,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Муҳокама давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд захира-ларни сафарбар этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Касаначиликни, энг аввало, саноат корхоналари билан кооперациялашув асосида ривожлантириш, жорий йилнинг биринчи чорагида 135,4 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни қулайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисида мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирларининг амалга оширилиши муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Оналарнинг репродуктив саломатлигини ва болаларни ҳимоя қилишни янада яхшилаш, устувор равишда профилактикавий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Таълим муассасалари ва болалар

спорт объектиларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-усlubий адабиётни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, 1551 та мактабни компютер техникаси билан, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория анжумлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларнинг турар-жой шароитини яхшилаш мақсадида улarga 23,8 млрд.сўм миқдордаги имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарларининг эътибори қатий маънавий-ахлоқий эътиқодга ва уйғун дунёқарашга эга бўлган, четдан бўладиган ғоявий ва маънавий таҳдидларга, турли иллатларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга доир ишларни янада қулайтириш муҳимлиги қаратилди.

Шу билан бир қаторда, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир тадбирнинг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Кун тартибдаги масалалар юзасидан вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва республикадаги йирик корхоналар ҳамда вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎЗА)



**«Тошкент-Термиз» халқаро автомагистрал йўлининг 323 километр масофаси Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятлари ҳудудига тўғри келади. Айни кунларда ушбу йўлнинг 58 километрли қисмида тўпроқ ишлари, 28 километрли қисмида эса қайта қуриш ишлари жадал суратларда олиб борилмоқда.**

Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси йўлсозлари жорий йилда 220 минг кубометрдан ортиқ тўпроқ ишлари, ўртаси бетонли тўсик билан ажратилган янги йўлнинг асфалт қисми кенглиги 19 метрга тенг бўлиб, бундай йўллар автомобиллар қатновининг бехатар бўлишини таъминлади.

Суратларда: Қарши оралиғидаги 57-72-километрлар йўл участкасида иш қизгин; Ёш геодезист Одил Сафаров.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ҳисобот-сайлов конференцияси

# Амалий иш-давр талаби

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳри-сабз туман бирлашган кўмитаси 153 та бошланғич ташилотни ўзида бирлаштирган бўлиб, 9514 нафар аъзоси бор. Эътиборли томони, бошланғич ташилотлардаги 112 нафар раис хотин-қизлардир.**

Туманда бошланғич касаба уюшма кўмиталарида иш юритиш ҳужжатларини расмийлаштириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида, дастлаб олитта муассасада таънч касаба уюшма ташилотлари тузилганди. Айни пайтда уларнинг сони 20 тага етди.

— Муаммоларимиздан бири — меҳнатни муҳофаза қилишга бориб тақалади, — деди бирлашган кўмита раиси Саъдулла Абдуллаев ҳисобот-маърузасида. — Меҳнат шaroитини яратиб қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаб, муассасанинг штат бирлигига киритишни таклиф қилардим.

**Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларини электр энергияси билан таъминлайдиган «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасида айни пайтда Осий Тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган ҳолда иккинчи ва учинчи блоklar лойиҳалаштирилиб, қурилиш давом этмоқда.**

Яқинда бўлиб ўтган кўмитанинг ҳисобот-сайлов конференциясида касаба кўмитаси раиси Анвар Аширов 2004-2009 йилларда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Қашқадарё вилоят ҳокими фармойишига кўра, Яқкабоб туманидаги «Сохибқирон» болалар оромгоҳи жорий йилдан «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси тасарруфига ўтди. Айни пайтда оромгоҳда ёзги мавсумга тайёрларлик қизгин паллада. Ёзда бир ерда фарзандлар дам олишса, куз, қиш фаслларида ота-оналарнинг хордиқ чиқариши мўлжалланмоқда.

Кўмитанинг янги аъзолари бир овоздан раисликка яна Анвар Аширов номзодини қўлаб-қувватлашди.

**«Шўртангазкимё» унитар шўъба корхонаси бугун нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёдаги етакчи корхоналардан саналади.**

Корхона касаба уюшма кўмитаси ҳисобот-сайлов конференциясида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили Жумакул Қурбонов сўзга чиқди.

— Кўп йиллардан буён мактабгача таълим муассасаларида ишлаб келаман, — деди сўзга чиққан корхона қўшиқчидаги «Эркатой» болалар боғчаси мудири Нигора Очилова. — Бирок «Шўртангазкимё» унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ғамхўрлиги туфайли «Эркатой»дагидек болажонларга яратилган шароитни бошқа жойда кўрганим йўқ.

Касаба кўмитанинг изланувчанлиги ва меҳнатсеварлиги бесамар кетмади. Конференция давомида делегатлар яна Шухрат Қурбоновни корхона касаба уюшма кўмитаси раислигига сайлашди.

Ўз мухбиримиз

**Ғиждувон туманидаги «Пахтаобод» фермер хўжалиқлари бирлашган касаба уюшма ташилотини фаолиятида кейинги беш йил мобайнида туб ўзгаришлар рўй берди. Бу эса касаба уюшма аъзоларининг фаолиги, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлари доираси кенгайганлиги, меҳнат шaroити ҳамда шахсий ҳаётда юз берган ижобий ўзгаришларда ўз аксини топмоқда.**

Ташилотнинг навбатдаги конференциясида кўмита раиси Н.Холмуродов бу борада баҳариланган ишлар ҳақида маъруза қилди. Утган даврда уюшма фаолияти яхшиланганини, 44 та фермер хўжалиги, «Пахтаобод қуввати» ММТП масъулияти чекланган жамияти, «Унг Баррак» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси атрофида бирлашган 674 нафар касаба уюшма аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор ишлар қилинганлиги қайд этилди.

Хамро ЧОРИЕВ,  
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари

**АСМ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг сайловдан-сайловгача бўлган даври сарҳисоб қилинди. Кенгаш раиси Насиба Шарипова делегатлар ҳузуринда ўтган даврда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.**

1981 йил бошидан унинг номзоди кўпчилик овози билан касаба уюшма етакчилигига лойиқ топилганди. Утган 30 йиллик фаолият йўлининг кейинги 25 йили туман миқёсидаги аъзолар ғамхўрлиги билан ўлчанди. Бу мудиат давомида қанчадан-қанча аъзоларнинг муаммолари ечим топиб, меҳнат ҳуқуқлари тикланди. Ойиларга саховат, қут-баракча улашилди.

Музокарада сўзга чиққанлар соҳа ишидаги айрим камчиликларни ҳам айтиб ўтишди.

Фахриддин ОМОНОВ,  
Нарпай туман ҳокими ўринбосари

**Хар қандай тadbир қай даражада жонли ўтганига қараб баҳоланади. Қилинган ишларни кўрсата олиш, камчиликларни эътироф этиш ва албатта, сўзга чиқувчиларнинг ўз мулоҳазаларини эркин билдириши тadbир самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.**

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қибрай туман ташилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси, дарҳақиқат, қизгин кечди. Аввало, барча ҳужжатлар тўплами, қўриладиган масалалар, касаба уюшма томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботининг қатнашчиларга тўлиқ тақдим этилгани эътиборни тортиди.

Тармоқ касаба уюшмаси туман бирлашган кўмитаси раиси Зокир Шораҳмедов янги қурилган ва капитал таъмирланган мактаблар, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ихтисослашган синф хоналари, бир сўз билан айтганда, туман таълим тизимини янги босқичга кўтаришганини қайд этиб, яна шуларни қўшимча қилди:

— 103 та бошланғич ташилотимиз билан биргаликда ўтган даврда маънавий-маърифий ва спорт тadbирлар ўтказдик, кам таъминланган, кўп болали оилаларга ёрдам бердик. Шунингдек, ёшларни ҳар томонлама рағбатлантиришга, истеъдодларни қўлаб-қувватлаш, республика миқёсидаги ва халқаро танловларда улар иштирокини таъминлашга эришдик. Албатта, қатор камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Биргина мисол: жойларда ҳамон касаба уюшма вазибаларини ағлаб етмаганлар топилаётгани ачинарли. Кейинги фаолиятимизда бирдамлик билан бу каби камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Сўзга чиққанлар ҳисобот даврини қончиқарли баҳолаган ҳолда айни пайтдаги касаба уюшмаси бундан-да фаолроқ бўлиши лозимлигини таъкидлашди.

Шундан сўнг таъкилий масалалар кўриб чиқилди. З.Шораҳмедов бир овоздан касаба уюшмаси туман бирлашган кўмитаси раиси этиб сайланди.

Акмал ЭРҒАШЕВ

# Мақсадимиз — жисмонан бақувват,


Қашқадарё

**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилоят филиали томонидан 2003-2009 йилларда 110 та спорт мажмуаси, ўрта мактаблар қошида спорт заллари фойдаланишга топширилди. Жумладан, 13 та спорт мажмуаси, 84 та спорт зали янги қурилган бўлса, 11 та спорт иншооти, 1 та мусика ва санъат мактаби реконструкция қилинди, 1 та сузиш хавзаси таъмирланди.**

**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилоят филиали ижрочи директори Қулмамат Холматов билан вилоятда болалар спортини ривожлантириш, хотин-қизларнинг спортга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўбатлашдик.**

— Қулмамат ака, 2010 йил 1 апрелда Президентимизнинг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектиларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Умуман, бугунги кунда вилоятда қанча аёл мураббийлар ёшларга спорт сирларини ўргатаёпти?

— 2010 йил 1 январгача бўлган маълумотларга таянсақ, вилоятда 4500 га яқин мураббий, йўриқчи ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиси фаолият юритмоқда. Уларнинг 570 нафарини аёллар ташкил этади. Сўнгги йилларда қурилган спорт мажмуалари ва заллари аҳоли учун янги имкониятларни юзасга келтирди. Спорт билан машғул қизларимиз ҳам кун сайин кўпайиб бораёпти. Қолаверса, Ўзбекистон давлат жисмоний



# Авлодларга ғамхўрлик намунаси

тарбия институти, Қарши давлат университети ҳамда Қарши олимпия захиралари коллежида таҳсил олаётган қизларимиздан умидимиз катта. Ўқини тугатгач уларни йўлланма асосида таълим муассасаларига ишга жўнатамиз.

Бирор иншоотни қургач, ундан оқилона фойдаланилишини назорат қилиб борамиз. Мажмуаларимиз масъул ташкилотлар томонидан бир йилда бир марта жорий таъмирдан чиқади.

— Спорт зали қурилмаган мактаблар спорт жиҳозлари билан қай тарзда таъминланади?

— Мактаб раҳбарлари ушбу муассасани спорт жиҳозлари билан таъминлашни сўраб, вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши раиси, вилоят ҳокими Нуриддин Зайниевга хат би-

лар чиқишади. Биз барча талабномаларни жамлаган ҳолда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига мурожаат қиламиз ва юқори ташилот имконияти даражасида масалани ҳал қилишга ёрдам беради. Мисол тариқасида айтишим мумкин, 2009 йилда республика жамғармаси томонидан мактабларимизга 60 миллион сўмлик жиҳозлар ажратилди.

— 2010 йилда қурилиш режалаштирилган иншоотлар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Барқамол авлод йилида 8 та мактаб қошида янги спорт зали қурилади. Битта мусика ва санъат мактаби барпо этилса, иккитаси капитал реконструкция қилинади. Битта сузиш хавзаси таъмирланади.


— Мусобақалар қанча кўп ўтказилса, спорт билан шуғулланувчилар сони шунча кўпаяди. Жамғар-

ма ҳомийлигида ўтказилаётган тadbирлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Бултур жамғарманинг вилоят филиали томонидан туман ва шаҳарларда 128 та тadbир ўтказилди. Жорий йилнинг уч ойида турли даражадаги 92 та мусобақа бўлиб ўтди. Яқинда Қарши олимпия захиралари коллежи манежидида ташкил этилган «Баҳор маликалари» мусобақасида туманларимиз терма жамоалари ҳамда Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларидан келган энгил атлетикачи қизлар қатнашди.

Бу каби тadbирларимиз шулами жуда кенг. Уларнинг барчаси соғлом ва барқамол авлоднинг камол топширишга хизмат қилади деб ўйлайман. Бунда истеъдодлар сараланади ва профессионал спортимиз нуносиб захирасига эга бўлиб бораверади.

## Терма жамоаларда нима гап?



# Воҳада корейс мутахассиси

**Сўнгги йилларда Қашқадарёда олимпиада дастурига кирган таэквондо WTF спорт тури ривожини йўлида қатор ишлар амалга оширилди.**

2004 йилда Қарши олимпия захиралари коллежида таэквондо бўлими очилганди. Айни пайтда бу ерда 72 нафар ўғил-қиз таҳсил олмақда. Битирувчилар туманларда иш олиб боришаёпти.

Бунинг самараси ўлароқ, қашқадарёлик спортчилардан Азиза Яфарова, Феруза Абдурахмонова, Азиза Жабборова Ўзбекистон чемпионатида, Ислам Бухоров, Миршод Хусанов, Гулҳаё Жуманазарова республика биринчилигида гoлиб бўлди. Шу йилнинг 9-11 апрел кунлари Наманган шаҳрида ўтган вилоят очиқ турнирида терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида учинчи ўридан жой олди.

Май ойидан бошлаб вилоят терма жамоасида корейлик мутахассис, қора белбоғ 4-дан соҳиби Чён Хюн Ми иш бошлайди. У воҳадаги мураббий ва спортчиларнинг маҳоратини янада оширишга ҳисса қўшади деб ўйлаймиз.

Асқар ҲАЗРАТҚУЛОВ,  
Қашқадарё вилоят таэквондо WTF федерацияси ижрочи директори

## Касаба уюшма спорти

Утган йили Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят вакилчилиги қошида «Олимп» спорт клуби очилди. Тармоқ ходимлари ва уларнинг фарзандларига спорт билан шуғулланиши учун шaroит яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли мусобақалар ташкил этиш мақсадида тузилган клубда, яқинда соҳибқирон Амир

# «Олимп»дан олимпиадага

Темур таваллуд топган кун ва Барқамол авлод йилига бағишлаб шахмат-шашка турнири ўтказилди. Унда 50 киши омадини синаб кўрди. Шахмат бўйича эркаклар ўртасида «Шўртангазкимё» мажмуаси ходими Искандар Кенжаев гoлиб чиққан бўлса, «Олимп» спорт клуби аъзолари Ислам Тожиев ҳамда Самандар Намозов кейин-

ги ўринларни банд этди. Аёллардан эса «Муборак иссиқлик энергия маркази» ОАЖ ходими В.Констанец энг кўп очко жамғарди. Шашка баҳсларида Жўрабек Назаров («Муборак иссиқлик энергия маркази» ОАЖ) ва Замира Изамова («Узгеобургунефтгаз» АК) биринчи ўринни эгаллади. — Айни пайтда шахмат, шашка, волейбол, кураш бўйича машғу-

лот ўтказиш йўлга қўйилди, — дейди «Олимп» спорт клуби раиси Фозил Турсунов. — Қаерда спортнинг оммавийлиги юқори бўлса, ўша жойдан терма жамоалар учун нуносиб ўринбосарлар этишиб чиқади. Тармоқ касаба уюшма вакилчилиги билан биргаликда ҳар чорада каманда иккиталик мусобақа ўтказишни режалаштирганмиз.

# Санъатимиз келажаги

**Китоб туманидаги 10-мусика ва санъат мактаби 2009 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилоят филиали томонидан капитал реконструкция қилинди. Қўшимча бинолар қурилди. Замонавий мусика асбоблари, компютерлар билан жиҳозланган мактабнинг моддий-техник базаси сезиларли равишда мустаҳкамланди.**

— Германияда ишлаб чиқарилган 16 та фортепьяно, 2 та роял, 11 та компютер жамланмаси, овоз кучайтирувчи аппаратлар, скрипкалар, нота учун пултлар, пуфлаб чалинадиган асбоблар, қолаверса, ҳозирча Қашқадарёда ягона бўлиб турган электрон доска давлатимизнинг мактабимизга кўрсатган ғамхўрлигига мисолдир, — деди муассасанинг ўқув бўлими мудири Саидмурод Сафаров. — Бундан ташқари, янги дарсликлар келтирилди, концерт залимиз тўлиқ жиҳозланди. Натijaда қисқа вақт ичида мактабимизга келувчилар сони ҳам ошди. Ҳозир 150 ўринга мўлжалланган таълим масканида 163 нафар ўғил-қиз ўзбек чоғу асбоблари ҳамда аънаънавий созандалик ва хонандалик



йўналишида таҳсил олмақда. Ўқувчиларимиз турли танловларда фаол қатнашмоқда. Жумладан, Эъзоза Жалилова «Янги авлод — 2007» болалар ижодиёти фестивалида лауреат бўлди. 2008 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўтказган Мухиддин Қорӣқубов номидаги республика танловининг иккинчи даражаси дипломи билан тақдирланди. 2008 йили Акмал Сафаров «Санъат гунчалари» республика ёш мусикачилари танловида

учинчи ўринни олди. Достон Рўзимуродов эса «Янги авлод — 2008» фестивалида гoлиб бўлди.

Яқинда болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг академик чоғулар ва эстрада ижрочилиги республика танловининг вилоят босқичи бизнинг мактабда ўтди. Унда ўқувчимиз Бехзод Сафаралиев эстрада ижрочилиги бўйича гoлиб чиқиб, яқуний босқичда иштирок этиш имкониятини кўлга киритди.

Халқимиз санъатини севади. Юртимизда болалар мусика ва санъат мактаблари аҳолини яхшилаш, янгилашни қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар санъатимиз келажагига хизмат қилиши шубҳасиз.



Маънан етук ва комил инсонни тарбиялаш

ВИЛОЯТИ

Яхши куй-қўшиқ халқ маънавиятини бойитадиган восита, кўнгил озукасидир. Бугун ёшлар ўртасида мусика илмини, ижро маҳоратини эгаллашга қизиқиш сусайганми, ортганми? Бу саволга жавоб олиш мақсадида Қарши санъат коллежи директори Салимжон Сайимов билан суҳбатлашдик. Суҳбатдан олдин шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, раҳбарлик ва санъатдаги ютуқлари учун у 2008 йилда ЮНЕСКО ташкилоти Европа табиий фанлар академиясининг «Олтин бургут» ордени ва дипломига сазовор бўлган.

Бу даргоҳда фидойилар таҳсил олади

— Аввало муштарийларга Қарши санъат коллежи ва ундаги мутахассисликлар ҳақида қисқача маълумот берсангиз...

— Коллежимиз 1973 йилда Қарши мусика билим юрти номи билан фаолият бошлаган. 2003 йили тўлиқ реконструкция қилинган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Сулаймонова, «Шухрат» медалли соҳиби Умирзоқ Қувватов, «Нихол» мукофоти совриндорлари Лазизбек Қиличев, Саъдулла Бадалов санъат соҳасидаги илк билимларини шу ерда олишган.

Айни пайтда 457 нафар йилгит-қиз 17 та мутахассислик бўйича таҳсил олмақда. Фортепиано, торли чолғулар, дамли ва зарбли чолғулар, ўзбек чолғу асбоблари, анъанавий хонандлик, эстрада хонандчилиги кабилар шулар жумласидандир. Файзулла Исломов, Исом Ражабов, Равшан Зиёдов, Файзулло Ҳусейнов, Зебо Турсунова сингари устозлар меҳнати таҳсинга лойиқ.

Дарвоқе, 2008 йил 8 июлда Юртбошимизнинг «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарори ва унинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўзбек санъатига кўрсатилган катта эътибордир. Жойларда қурилаётган мусика ва санъат мактаблари ўғил-қизларимизнинг яхши билим олишига замин яратмоқда.

— Санъат соҳасидаги ёш истеъдод эгаларининг турли миллий ва халқаро танловларда иштироки қандай бўлаяпти?

— Ўтган йил коллежимиз тарбияланувчилари бир қатор танловларда фаол қатнашди. Жумладан, 22-24 апрел кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Наврўз садолари» иккинчи республика халқ чолғулари кўп овозли ансамбллари фестивалида коллеж дипломи ва махсус совғаси билан тақдирланди. 2009 йил 1-10 май кунлари маданият, санъат ва мусика коллежлари ҳамда академик лицейлари ёш ижрочиларининг республика танлови финал босқичи Қарши шаҳрида ўтди ва унда мамлакатимизнинг 697 нафар истеъдодли ёшлари иштирок этди. Шогирдларимиздан Бехзод Жониев биринчи, Феруза Қораева иккинчи, Машхура Халилова учинчи даражали дипломга сазовор бўлди.

«Келажак овози» республика танлови вилоят босқичида коллежнинг фортепиано ва мусика назарияси кафедраси ўқувчиси Гулжаҳон Файзиёва ғолиб чиқди. Бир қатор ўқувчи ва ўқувчиларимиз «Нихол» мукофоти танловининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб, республика босқичида иштирок этди. Ўқувчилар хатто таътилда ҳам машғулоти тўхтатишмайди. Зеро, ҳар қандай эзгу иш сингари санъат ҳам катта маънавият ва фидойиликни талаб қилади.

Эзгулик



Халқимиз меҳрли, давлатимиз гамхўр. Саховатли юртдошларимиз бисёр. Қарши шаҳридаги 3-меҳрибонлик уйда ўсаётган ўғил-қизлар бунини яхши англаб етишган. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг қалбиди эртанги кунга ишонч кучли.

— Келажакда ҳарбий бўлмақчиман, — дейди 14 ёшли Жамолддин Ортиқов. — Қарши шаҳридаги 45-ма-

Болалар мамнун

табнинг 8-синфида ўқийман. Дарслардан кейин мактаб қошидаги «Алфа-тренинг» ҳарбийлаштирилган синфи машғулотларига қатнашаман. Кўл жанги билан шуғулланаман. Бўш вақтимда бадиий китоблар ўқиш жону дилим.

— Уйимизда рақс, мусика, «Моҳир кўлар», раскларлар бор, — суҳбатга қўшилди Садоқат Абдуллаева. — Бўш вақтимда турли рақсларни ўрганаёлман. Бундан ташқари, ошхонада ошпаз опаларини мазали таомлар пиширишни ўргатапти.

— Шаҳардаги «Кат» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари маҳалланинг Наврўз байрамига бизни ҳам таклиф


қилишди, — деди директор вази-фасини бажарувчи Бобоёр Очилов. — Янгилиниш ва яшариш байрами тўйга улашиб кетди. Тўрт болаимизнинг суннат тўйи бўлди, уларга совға-саломлар топширилди. Хар бирининг номига 20 минг сўмлик омонат дафтраси очилди. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ҳам уйимизда Наврўз дастурхони ташкил этиб, ўғил-қизларга спорт кийимлари совға қилди. Бадиий китоблар кутубхона-мизини бойитди. Болаларга оила муҳитини яратишга ҳаракат қилаял-миз. Уларни меҳнатга ўргатамиз, маънан кучли бўлиши учун турли тадбирлар уюштирамиз.

2007 йилда мазкур меҳрибонлик уйи «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан капитал таъмирлан-

ган ҳамда қўшимча қурилишлар эва-зига мослаштирилган янги мажмуага кўчиб ўтганди. Вилоят ҳокимлиги 10 та компютер совға қилди. Жорий йилнинг январ ойида Бю прокуратура мутасаддилари мусиқий марказ ҳада этишди.

— Ҳомийимиз — вилоят «Пахта-саноат» ОАЖ бассейни ва ҳаммомни таъмирлаб бермоқчи, — маълумот бе-ради Б.Очилов. — Фурсатдан фой-даланиб, болаларга чексиз гамхўр-лик кўрсатаётган ҳукуматимизга, ҳомийларга, вилоят ва шаҳар халқ таълими ҳамда ички ишлар бошқар-маларига, саховатли тадбиркорларга ташаккур айтмоқчиман.

Ҳа, эзгулик ва меҳр беиз кетмай-ди. Бу болалардан келгусида жами-ятга фойдаси тегадиган комил ин-сонлар етишиб чиқади.



Кўшсаҳифани «Ishonch» муҳбири Акмал АБДИЕВ тайёрлади.

Мамнуният

Орзулар рўёби

Мен Қарши давлат университети жисмоний маданият факултетида тўртинчи босқичда таҳсил олаялман. Шаҳрисабз тумани Наматон қишлоғида туғилганман.

Болалигимдан енгил атлетикага қизиқишим туфайли мураббий бўлишни орзу қилардим. Ўқувчилик йилларимда «Умид ниҳоллари» мусобақасининг республика босқичида иштирок этдим. 2005 йили Тошкент вилоя-тида ўтган «Баркамол авлод» баҳсларида Қашқадарё вилояти терма жамоаси сафида қатнашдим. Не бахтки, 2007 йили талаба сифа-тида пойтахтда ўтган «Универсиада»да ҳам иштирокчи бўлдим ва тўртинчи ўринни эгалладим. Айни пайтда таҳсилнинг сўнгги йили Андижонда ўтадиган «Универсиада — 2010» мусобақасига тайёргарлик кўраялман.

Шу билан бирга, Қарши шаҳридаги 1-мактабда ўқувчиларга жисмоний тарбия фанидан дарс бераман. Шаҳардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам мураббий бўлиб ишлайман. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектиларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан жуда мамнун бўлдим.

Олима ҲАЗРАТОВА, Қарши давлат университети талабаси



Тайёргарлик

Иштиёқ юқори

Бугунги кунда вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлаш-маси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши тасар-руфида битта болалар ва

ўсмирлар спорт мактаби фао-лият кўрсатмоқда. Унда ёшлар-га футбол, кўл тўпи, бокс, ку-раш, сузиш бўйича сабоқ бери-лади.

БЎСМ битирувчиларидан ташкил топган «Қарши» кўл тўпи жамоаси вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бир-лашмаси ҳамда Ўзбекистон ёқиллик-энергетика комплек-си, кимё саноати ва геология ҳодимлари қасаба уюшмаси Қашқадарё вилоят вакили-га ҳомийлигида Ўзбекистон чемпионатида муваффақият-ли қатнашмоқда. Қодир Тур-диев шогирдлари 3-турдан сўнг иккинчи гуруҳда кар-вонбошлик қилапти.

Хабарингиз бор, 21-23 апрел кунлари Олмалик шаҳрида Баркамол авлод йилига бағишлаб қасаба уюшмалари тизимидаги БЎСМлар тарбияланувчили-ри ўртасида республика спартакиадаси ўтказилди. Қашқадарёлик ёшлар мусо-бақага иштиёқ билан тайёр-гарлик кўрмоқда.



ОТ ТОБИДА, ЙИГИТ ҚОПИДА

Холмат домла Қизилмозор томонларга йўлимиз тушса, қишлоқ мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Абдусалом Раҳимқулловнинг суҳбатини олишни маслаҳат берганди:

— Домланинг қулоғи қаттиқ, эшитган гурунгни эсдан чиқар-майди, чавандозлар авлодидан эмасми, ўзиям от боқиб, кўпқари чопади.

Домла билан биримиз азалдан, биримиз гойибона танишмиз. Янгиқишлоқ маҳалласининг кўпқари чопиладиган Жангалча май-дони пастигидаги тоғ ёнбағрида жойлашган, дарвозаси кунга-ботарга қараган ҳовлисига кириб борганимизда Абдусалом дом-ла кўрадан чиқиб келаятган экан. У қутилмаган меҳмонларни та-ниш мақсадида бир зум тикилиб турди, мақсадига етди шеки-ли, юзиде табассум жилваланди. Кучоғини кенг очганча истиқ-болимизга юриб, ҳаяжон билан гапирга кетди:

— Келинг, Мухторжон, меҳмон, сиз яхшимисиз, чўлликларнинг аҳволи қалай. Биз томонларга қандай шамол учирди?

— Сизнинг меҳрингиз шамол-да. Хол сурашгандан сўнг Абдусалом домла бизга саволомуз қаради:

— Юборган дафтаримни олгандирсизлар? Дарҳақиқат, бир ойча илгари Абдусалом домланинг Помуққа борган қишлоқдоши орқали узатган, ўн икки варақли дафтарга битилган кўпқари гурунглари олди.

— Энди ўша гурунглари ўз оғзингиздан эшитайлик, деб кел-ляпмиз-да.

— Ҳўш келибсизлар! Ўқитувчи халқи кўп гурунғчи келади, мавзу сеvimли машғу-лоти тақалганда лаби-лабига теғмайди, бир ёғи ҳамкасбик. Аб-дусалом домла билан тез тил топишиб кетдик.



Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев

— Қишлоғимизнинг қавагонман дегани асли бир аждод вакил-лари. Эшитгандирсизлар, полвонлик билан чавандозлик суяқ су-ради. Эсон полвон борми, Тўхли бобо дейсизми, Алпону Панжи, Ҳалиму Худойберди — ҳаммамиз бир уруғ. Баримизга қавагонлик Соқибой бобомиздан ўтган.

— Соқибой бобони эслайсизми?

— Қаерда, мен-ку мен, биздан бир-икки кўйлак олдин йирт-ганлар ҳам Соқи қавагондони фақат кексалар гурунғидан билиш-ди. Агар эшитмиш деб хафа бўлмасангизлар қулоғимга чалинган айрим воқеаларни айтиб бераман.

Абдусалом домла чавандозлар сулоласи шажараси ҳақидаги ҳикоясини бошлади, биз эса айрим ўринларини етишганимизча ён дафтаримизга тушириб олдик.

Сафарали бойнинг уор-уор йилқиси, кўтон тўла кўй-эқиси бор эди. Жўра, Тўра, Тўлаган, Қурбон аталмиш тўрт ўғил ёнида дастёр эди. Ўн беш болорлик меҳмонхонасида кунда-куншоша кўноқлар бисёр эди. Бой бобонинг туриш-турмушидан кўнгли тўқ, юраги тўла завқ эди. Бир ёнда ўғилу келинлар, иккинчи томонда қайиш-қўша наби-рарлар.

Айниқса, Жўрасининг ўғиллари — Рўзобой, Соқибой асов отлар-ни-да бир зумда минги этиб келишларини кўриб яйраб кетарди. Аммо бахтиёр кўнларнинг ҳам чеки-чегараси бўларкан. Бир кунги Бужоро амири Деҳқонбод тоғлари оша афғонга қочиб ўтди. Сўнгра Қизилмозорда ҳам қизил аскар деганлари кўриниш берди.

Бошланди талатўп замоналар. Қочган ким, қувган ким, фарқига етиб бўлмади.

Қизиллар: «Босмачига уйингдан жой бердинг», — деб зугум-ласа, босмачилар: «Қизилларни меҳмон қилдинг», — деб жонингни суғуради.

Кимга ишониб, кимга ён беришни-да билмайсан. Бир томонда элнинг сара йигитлари «босмачи» тамғасини олиб, тоғма-тоғ сарсон юришибди.

Иккинчи томонда қизилларга қўшилган таниш-билишлар. Хуллас, Сафарали бой қизиллар мол-мулкни гораг этиб, ўзини Сибирга сургун қилмагунча ҳақ ким, ноҳақ ким, ажрим этолмади.

— Бобоси, отаси, амакилари сургунга дуч келганда Соқибой бо-бомиз эндигина суғи қотиб бораётган ўсмир экан.

Инсоннинг боши Аллоҳнинг тоши бўларкан, эгаси қаёққа қара-тиб юмалатса кўникиб боравераркан.

Тақдир бу авлоднинг тоши сийламади.

Лекин ҳаёт унга қанчалик оғир қисматни раво кўрмасин, отга, чавандозликка бўлган ихлосини сўндирилмабди.

Дастлаб бобоси, сўнгра отаси дом-дараксиз кетган Соқибой бо-бомиз акиси Рўзобой билан от миниб, кўпқари суриб, қишлоқда ташкил этилган «Обод» колхозида кетмон чопиб, катта оиланинг қора қозонини қайнатиб туришларига тўғри келибди.

Иккаласи элнинг олди бўлишса-да колхоз катталари «қулоқнинг боласини ҳимоя қилиб юрибди» деган айбловдан қўрқиб, яқин-йироқ қишлоқлардаги кўпқариларга уларни олиб боришмас экан.

Шундай чоғларда Соқибой бобомиз овлоқ жойга чиқиб, тўйиб-тўйиб йиғлаб оларкан.

Онда-сонда бир кўпқарига кирганида ҳам ганимлари унга кун беришмас, турли гирромликларни ишлатиб зот айришига қар-шилик кўрсатишаркан.

Тоғлик мол сақламаслиги мумкин, аммо кўрасида довлик оти бўлмаса ўзига қамлик олади.

Соқибой Кўк иг отини ҳеч кимга инонмаскан. Иссиғидан ки-риб, совуғидан чиқаркан. Тулпорига отланиб кўпқари майдонига чиққанида зотнинг сарасини айриб юрган чавандозлар ҳам: «Та-мом, энди ҳамма соврин Соқиде кетади», — деб тушкунликка ту-шаркан.

Бир гал уни кўролмаслар тўрт томонидан қуршаб, остидаги оти билан камарга учиршибди. Шунда ҳам синган оёғини тулпори ус-тига ташлаган тўрвасига солиб, ўша зотни ҳалол ажрим қилибди.

Ҳозир ҳам кексалар ўша камарни «Соқи учган жар» деб аташа-ди, кўрганнинг ақли шошади, бундай камардан на от, на суво-рий тирик чиққанига инонади. «Йиқилсанг эшак туёғини, от ёлини тўшайди» деганлари шудир-да, биродарлар.

Камбағал бўлсанг қариндош-уруғинг ҳам яқинига йўлатмас экан.

Қишлоқ оқсоқоли Мулло Бекмурод Охун Соқибойнинг жондек жигари эди.


Бир кун Яққабдоғда катта кўпқари бўларини эшитган Охун эр-талаб қавагонларни атрофига жамлаб, жиянининг Кўк иг отини сўраб, йўлга равона бўлибди. Аммо от-аравага кўмир ортиб, Фўзорга кетаётган жиянига «биз билан юр» демабди.

— Шу яланғочнинг қўлидан нима иш келарди, атрофимда мен-ман деган чавандозлар бўлса, барибир истаган зотимни айриб беришади, — йўл бўйи ўзини оқлабди Охун.

Кўпқарида зўрга ҳамма тан беради, тан бермасанг ҳам бари-бир зўр зўрўлгига боради.

Яққабдоғлик бир момонинг икки чавандоз ўғли бор экан. Момонинг ўзи эғнига босгани тортиб, устига зарбоф тўшамчи солинган биясига отланиб ўғилларининг изидан юраркан. Шу кун икки ака-ука галма-гал такани тақимлаб, нафақат Бек-мурод Охуннинг йигитларига, балки қавагонман деганига ҳақ қол-дирмабди.

(Давоми бор)



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ўза) олган сурат

# Дарахт — боқийлик белгиси

Кўчат экин — боғ яратинг, дейди халқимиз. Қарши туманидаги Кожор, Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида ҳам кўчат ўтказиш тadbирлари оммавий тус олди. Бундан 80 йил олдин отам раҳматли туғ, ўрик кўчатларини экиб боғ яратган экан. Ҳозир боғда отамдан ёдгорлик сифатида 6-7 туп тут дарахти қолган. Уларга термулиб, эккан ниҳоллари доим унинг барҳаёт эканлигига ишора бериши ҳақида ўйлайман.

Мен бир кекса муаллим сифатида бугунги ёшларимизга қарата «Эй, болаларим, экилган мевали ва манзарали дарахтлар улғайиб юртга нафақат чирой, балки озиқ-овқат, саломатлик улашади, дегим келади. Биз яшаб турган қишлоқларда ҳам Тўрабонинг чорбоғи, Норбадал бобонинг боғи деган номларнинг кўплиги кўнгилда илиқлик ўйотса, фермерларимиз янги-янги боғ яратиб, қишлоқларимиз кўркига кўрк, хуснига хусн кўшайтгани кишига беихтиёр қувонч бахш этади.

Худойберди НАЗАРОВ, Қарши тумани

## Кўрик-танлов

# Баркамолликка интилиб

**Бугун ўзбоғим қизлари ятан равнақиға хисса қўшишда эр йиғитлардан асло қолишмайтир. Яқинда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан Урганч Давлат университетининг икtidорли қизлари ўртасида ўтказилган «Баркамолликка интилиб» кўрик-танловиде бу яна бир қарра ўз исботини топди.**

— Келажакимиз пойдевори бўлган ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Эртаимиз ағаларининг манфаати ўз ифодасини топган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури зиммаимиздаги вазифалар салмоғига ўз тузатишларини киритди, — деди кенгаш раиси Муассар Раҳимова танловни бошлаб бераркан. — Бугунги тadbиримизнинг «Баркамолликка интилиб...» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Мақсадимиз университетимизда ўқийётган талаба қизлар иқtidорини, интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, уларни турмушга тайёрлаш, жамиятдаги ўрнини белгилаш, ижодий қобилиятларини оширишга қўмаклашишдан иборат. Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ва оилада тиббий маданиятни юксалтиришда ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган.

Танловда университетнинг 11 та факултетидан 11 нафар талаба киз гўзаллик, баркамоллик, лобарлик, фидойилик, меҳрибонлик, оқибатлилик, қадриятларга эҳтиром каби беназир фазилятларини бешта шарт бўйича намойиш қилишди.

Жумладан, «Мохир кўлар» шартда қизлар бичиш, тикиш, бисер ва мўнчоклар билан ишлаш, «Спорт беллашуви»да 100 метрга югуриш, тўпни баскетбол халқасига улоқтириш бўйича мусобақалашди. Кейинги шарт «Оилада тез тиббий ёрдам кўрсатиш» деб номлан-

ди. «Касбим-фаҳрим» шартда эса иштирокчилар танлаган касбини таърифлаб беришди. «Эркин мавзу»даги чиқишлар ҳам бири-бирдан қизиқарли кенди. Унда қизлар сахна кўриниши, шеър, қўшиқ, рақс, пантомима, монолог ва бошқа санъат турлари борасида ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Танлов натижаларига кўра Севара Раҳимова биринчи, Мушарраф Раҳимова иккинчи, Гулрух Исмаилова учинчи ўрин соҳибалари бўлишди. Улар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг диплом ҳамда қўimmatбахо совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, Нафосат Таганова «Энг фидойи», Мақсуда Умарова «Энг нафосатли», Сабоҳат Исакова «Энг қувноқ», Хамиди Нураддинова «Энг маҳоратли», Мавлуда Алламова «Энг заковатли», Адолат Султанова «Энг меҳрибон», Шохида Абдуллаева «Энг эгил» ҳамда Нилуфар Абдуллаева «Энг шижоатли» иштирокчи дея топилди, кенгашининг рағбатлантирувчи мукофоти билан тақдирланди. — Ушбу танлов бутун умрга хотирамда қоладиган бўлди, — дейди Шохида Абдуллаева. — Мен ўзимнинг янги қирраларимни кашф қилдим. Ҳаётда тинимсиз изланиш ва интилиш лозимлигини англадим.

**Ноҳира ОДАМБОВА, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши бўлим бошлиғи**

## Бола бошдан

**Болага нисбатан бағрикенглик, меҳридарелик халқимизга хос хусусият. Шу боис ота-она фарзандининг пухта билим олиши, қизиқишига қараб касб эгаллаши учун имконият яратади.**

Бола тарбияси кенг қамровли, узок давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос жиҳатлари бор. Ушбу жараён турмуш курайдиган йилгит ва ота-онага меҳр хисси шакллана бошлайди. Бизда фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ маросимларга алоҳида эътибор қаратила-

# Тарбиянинг илк даври

қизнинг бир-бирига ҳар томонлама муносиблигидан бошланади. Бўлажак ота-онанинг саломатлиги, насаби, дунёқарashi, ахлоқи, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга ҳар томонлама тайёрлиги фарзанд кўриши ва унинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги соғлом маънавий муҳит, хушмуомалалик, хурсандчилик боланинг соғлом туғилишида асосий омил бўлади. Ота-онадаги фазилатлар ҳам, иллатлар ҳам ирсий йўл билан болага ўтиши бор гап. Ҳатто болада она қорнидаёқ

ди. Чақалоққа исм қўйиш, кичик ва катта чилла сақлаш, бешикка белаш, соч, тирноқ олиш, биринчи қадам, илк бор гапира бошлаши, тиши чиқиши, ёшига тўлиши, ўғил болаларни хатна қилиши, биринчи муҳал ёши муносабати билан боғлиқ удумларнинг ўзига хос маъноси бор. Булар унинг маънавий камол топишига ижобий таъсир кўрсатади. Оилада чақалоқ соғлом ўсиши учун муҳим бўлган давр чилладир. У кичик (20 кун) ва катта (40 кун) чиллага бўлинади. Бу давр она ва болани ҳар томонлама асрашни тақозо этади. Чилла даври учун характер-



риш (бадандаги ортиқча туқлар туқилади), онага имкон қадар юмуш қилдирмаслик, қувват берадиган, сут кўпайтирадиган таомларни истеъмол қилдириш, тунда ташқарига олиб чиқмаслик ва безовта қилмаслик (она кўркиши, натижада сут камайиши, бола сесканиши мумкин) каби омиллар уларнинг саломатлигини таъминлаш гаровидир. **Дилсора АБДУРАҲИМОВА, 1-республика тиббийёт коллежи ўқитувчиси**

# Арча нинаси — юрак шифоси

**Арчанинг тўрт фаслда ҳам ям-яшил бўлиб туриши киши баҳри дилини очади. У нина барглари билан чангни ютади, ўзидан кислород чиқариб, хавони мусофлаштиради. Муҳит экологиясини сақлашда арча ниҳоятда зарур.**

Арча — сарвдошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 12-18 метргача борадиган дарахтдир. Қадимдан Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ватандошларини арча ёғочидан, тут дарахтидан ясаган. Айтишларича, бундай бешик ва беланчада ухлаган чақалоқ бардам ва соғлом ўсаркан. Ҳўш, арчанинг шундай хусусияти бор экан, унинг шифобахшлиги нималардан иборат? Олимларнинг таъкидлашича, арча ўзидан фитонцидлар ажратиб, кишиларни касаллик туғдирувчи микроблардан сақлайди. Арчанинг муъжизакор моддасини соф ҳолда ажратиб олишнинг Қирғизистон олимлари амалга оширган. Табобатда унинг гўбба-меваси қўлланилади. Гўбба-меваси таркибида эфир мойи — пинен, кардинен, терцинеол ва бошқа бирикмалар мавжуд. Бундан ташқари, унда кўпгина қандлар (40%), қаторон (9%) ва органик кислоталар, гликозидлар, танин, пектинлар сақланади. Шу моддалар унинг у бир қатор хасталик-

ларни даволашда фойдаланилади. Таркибидаги эфир мойлари кучли пешоб ҳайдовчи, балғам кучирувчи, ўт-сафро ҳайдовчи, ичаклар ҳаракатини маромга келтирувчи, таом ҳазминини яхшиловчи омил сифатида тавсия этилади. Гўбба-меваси пешоб ҳайдовчи ўсимлик йиғмалари таркибига киритилган. Эфир мойи битиши қийин бўлган ёмон яраларда ва жароҳатлардан иборат? Олимларнинг таъкидлашича, арча ўзидан фитонцидлар ажратиб, кишиларни касаллик туғдирувчи микроблардан сақлайди. Арчанинг муъжизакор моддасини соф ҳолда ажратиб олишнинг Қирғизистон олимлари амалга оширган.

## Саломатлик сабоқлари

ларда наф келтиради. Арча мойи бўғин, мускул оғриқларида шифо бағишлайди. Доривор омил таркибиде арчадан қайнатма тайёрланади. Ундан бир ош қошиқ олиб 2 стакан қайноқ сувга солинади. 20 дақиқа мობайнида қайнатилди ва совутилади. Тайёр бўлган қайнатмадан кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. «Арча нинаси — юрак шифоси», деб бежиз айтилмаган. Унинг нинаси руҳиятни яхшилайди. Нинасини обдон майдалаб, унга сариеғ қўшиб суртма дори тайёрлаб,

## Реал-айкидо

# МАДИНА ПОРТУГАЛИЯГА БОРАДИ

Тошкент шаҳрида ўтказилган мамлакат чемпионатида Қашқадарь вилояти вакиллари Фаол иштирок этиб, тўртта олтин медалга сазовор бўлишди. 8 ёшдан 18 ёшгача айкидочилар қатнашган бу беллашуларда Аъзам Бердимуродов, Мансур Тўлаев, Мадина Кўчимова ва Элеанора Уралова турнир голиби бўлишди.

— Шогирдларим орасида қаршилик Мадина Кўчимова бекиёс маҳорати ва галабага интилиши билан ажралиб туради, — дейди вилоят реал-айкидо федерацияси раҳбари Элмурод Жўраев. — Бир йилдан бери бу спорт тури билан шуғулланаётган спортчи қизимиз икки қарра вилоят чемпиони, соҳибқирон Амир Темури хотирасига бағишлаб ўтказилган турнир голиблигини қўлга киритган. Баркамол авлод йилида республика чемпиони деган шарафга эга бўлган Мадина Кўчимова Португалияда ўтказиладиган халқаро турнирда иштирок этади. **Иззат ХИҚМАТОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири**

## Ибрatли ҳикоялар

# Мансаб безак бўлолмас

**Кузама соч-соқолига оқ оралаган бир отахонни биламан. Иззатталаб, мактовни жонидан яхши кўради. Урта-миёна лавозимларни нари-бери эплаб ишлаган бўлса-да, хали-хамон мансабни ҳаёт йўлининг безағи, деб биледи.**

У йигирма йил олдин бор-будини сарфлаб, юлиб-юқлилаб шаҳар четроғидан бир дангиллама ҳовли солдирганди. Катта фарзанди янги уйга кўчиб ўтиши арафасида яна бир ёғлироқ лавозим ўрни бўшаб қолганини эшитиб, пайтавасига қурт тушди. Дасти узун бир амалдор ҳузурига йўл топиб, унга орзу-хавасларини дангал тўкиб солди. Кейин пора сифатида янги ҳовли калити ва ҳужжатларини ҳадя қилиб қайтди. Келишув юзасидан узунқулук «миш-миш» 2-3 ойлар чамаси «ана бўлди-мана бўлди» қабилида оғиздан-оғизга кўчиб юрди. Фоз кеккайиб юрган оғамиз қани ўзини терисига сигдиролса!

Кутилмаганда ишонган амалдор оғаси лавозимидан силжиб, бошқа шаҳарга ишга ўтиб кетди. Кетаётиб пора эвазига келган уйини бошқа бировнинг номига хатлатиб ва ҳатто сотиб юборишга улгурганини эшитиб ақдан озаёзди.

Дарвоқе, яқинда уша отахонни туман ҳокимлиги биноси ёнида учратиб қолдим. Айтишича, туппа-тузук ўқитувчилик қилиб юрган фарзандини маҳалла фуқаролар йиғинига раис қилиш йўллари излаётган экан. «Эҳ, отахон, ишонч сўраб олинмайди, унга эришилади. Ахир, мансаб одамни эмас, одам мансабни безайди, деган гапни нега тан олгингиз келмайди?». Хайрлашув чоғида отахонга кўнглимдан кечган шу гапларни тушунтирмакчи бўлдим. Кейин яна гапимдан фойда йўқлигини сезиб, тилимни тишладим.

Мансур ЗОИР

**Isonga naf keltirish**  
 O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
 oliy baxt

**Muassis:**  
 O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
 Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**  
 Alla DOLJENKOVA,  
 Anvar YUNUSOV,  
 Dovud MADIYEV  
 (Bosh muharrir o'rinbosari),  
 Jahongir SHAROFBOYEV  
 (Mas'ul kotib),  
 Ma'mura ADILOVA,  
 Mirzohid SODIQOV,  
 Normamat AIIAYOROV,  
 Nosirxon AKBAROV,  
 Oysuluv NAFASOVA,  
 Pirimqul QODIROV,  
 Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
 Shamsi ESONBOYEV

**Bo'limlar:**  
 Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
 Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90  
 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74  
 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
 Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manziligimiz:**  
 100165,  
 Toshkent shahri,  
 «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
 E-mail: mail@ishonch.uz

**Nashr ko'rsatkichi:**  
 133

**Navbatchi muharrir:**  
 A.Toshev  
 Navbatchi:  
 N.Maxamov  
 Musahhih:  
 N.Rahimova

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullajilov**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
 Korxona manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Mathusot va axborot agentligida 0116-nomli bilan no'yxatga olingan.  
 Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
 Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatildi shart.  
 Mualliflar fikri bahariyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Тijorat materiallari**  
 Bosniqa topshirish vaqti - 18.00.  
 Topshirildi - 18.35

**Буюртма Г — 352**  
 19324 nuxxada bosildi  
 ISSN 2010-5002  
 2 3 4 5